# Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти.

*Фан: Давлат-хусусий шерикчилиги*

**Мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Маьрузачи: доц. Думуротов.Ғ

# Режа.

- 1. Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикчилигини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари.
- 2. ДХШ доирасида лойиҳани амалга ошириш жараёни
- 3. Харидларни ва тендерни ташкил этиш масалалари

- Давлат-хусусий шерикчилиги иқтисодиётни замонавий ривожлантиришнинг объектив боғланган тренди ҳисобланади. Бунда ДХШ механизмидан давлат ва хусусий секторнинг шундай биргаликдаги лойиҳаларини амалга оширишда энг интенсив фойдаланиш зарур, бу ерда бир вақтнинг ўзида бюджет маблағларидан фойдаланиб бюджетдан ташқари ресурсларни жалб этиш мумкин ва мақсадга мувофиқ.
- Аммо у ёки бу лойиҳани амалга ошириш унинг давлат-хусусий шерикчилиги механизмидан фойдаланиш интенсивлигини ва ҳар бир томоннинг лойиҳада иштирок этиш фаоллик даражасини аниқлайдиган қатор омилларига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар кесимида ДХШ механизмидан уларни аниқловчи қатор турли туман омиллар таъсири остида фойдаланиш хусусиятини кўриб чиқамиз.

# Давлат-хусусий шерикчилигини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари:

- **1. ДХШ қонунчилигини такомиллаштириш**
- - қонунчиликни таҳлил этиш;
- - ДХШни тартибга соладиган қонунчиликни такомиллаштириш

**2. ДХШ конкрет лойиҳаларини тайёрлаш**

ДХШ тамойилларида узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишга

Инвестиция танловларини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш.

**3. Иқтисодий асосланган ДХШ лойиҳаларини биргаликда ишлаб чиқишда маҳаллий ҳокимият салоҳиятини**

- дунёда мавжуд ДХШ марказларининг энг яхши амалиётини таҳлил этиш;

- Ўзбекистонда ДХШ ҳудудий марказлари аналитик салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

**. ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг илғор тажрибалари билан алмашиш халқаро экспертларни жалб этиш.**

1. ДХШ бўйида ҳар йили халқаро конференция ўтказиш;

2. ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича халқаро мутахассисларни жалб этиб семинарлар ўтказиш;

# ДХШни ривожлантириш стратегиясининг асосий таркибий қисмлари

| | Вазифалар | Натижа |
|---|---|---|
| 1. ДХШ қонунчилигини такомиллаштириш | - қонунчиликни таҳлил этиш;<br><br>- энг яхши халқаро ва мамлакатимиздаги тажриба асосида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;<br><br>- ДХШнинг намунавий, шу жумладан тармоқ моделларини ишлаб чиқиш; | - ДХШни тартибга соладиган қонунчиликни такомиллаштириш |
| 2. ДХШ конкрет лойиҳаларини тайёрлаш | 1. ДХШ тамойилларида узоқ муддатли тармоқ мақсадли дастурларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш.<br><br>2. ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тадбирларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Инвестиция танловларини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш.<br><br>4. ДХШ лойиҳаларини кейинги молиялаштириш учун буюртма бериш учун ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашиш. | - жаҳон бошқарув ва технологик тажрибасини ҳисобга оладиган узоқ муддатли тармоқни ривожлантириш мақсадли дастурлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди;<br><br>- узоқ муддатли дастурларни амалга ошириш учун ДХШ инструментидан фойдаланиш имконини берадиган қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди;<br><br>- ДХШ лойиҳаларини амалга оширишга операцион компанияларни жалб этиш бўйича процедуралар ва ҳужжатлар ишлаб чиқиш;<br>- инвестиция танловлари ўтказилди, ютиб чиққан инвестор билан инвестиция контрактлари тузилди. |

| | | |
|---|---|---|
| **3. Иқтисодий асосланган ДХШ лойиҳаларини биргаликда ишлаб чиқишда маҳаллий ҳокимият салоҳиятини ва ДХШ ҳудудий марказлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашиш.** | **ДХШ лойиҳаларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини методологик ва эксперт қўллаб қувватлашни амалга оширадиган ДХШ ҳудудий марказларини яратиш ва ривожлантириш.** | **- дунёда мавжуд ДХШ марказларининг энг яхши амалиётини таҳлил этиш;<br>- Ўзбекистонда ДХШ ҳудудий марказлари аналитик салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;** |
| | 2. Маҳаллий тузилмаларда ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда базавий инструмент сифатида қишлоқни ривожлантириш Банкини яратиш. | Ўзбекистонда ДХШ тамойилларидан хабардорлик ва тушуниш даражасини ошириш, хусусан, потенциал мижозлар ва шериклар (масалан, маҳаллий бошқарув органлари, хусусий компаниялар) ҳамда оммавий ахборот воситалари орасида ошириш;<br>- қишлоқни ривожлантириш Банкини яратиш ва ривожлантириш. |
| **4. ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг илғор тажрибалари билан алмашиш ва ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун халқаро экспертларни жалб этиш.** | 1. ДХШ бўйида ҳар йили халқаро конференция ўтказиш;<br>2. ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича халқаро мутахассисларни жалб этиб семинарлар ўтказиш;<br>3. Илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш ва тармоқлар бўйича ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг энг яхши амалиётини мослаштириш. | - ДХШ салоҳиятини ривожлантириш ва кадрларни ўқитишда турли мамлакатларнинг тажрибасини умумлаштириш;<br>- Ўзбекистонда ДХШ соҳасида тажрибаларни ва билимларни тарқатиш;<br>- Ўзбекистонда ва хорижда ДХШ мутахассислари ўртасида тажриба алмашиш;<br>- Ўзбекистонда ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун халқаро экспертларни жалб этиш. |
| **5. Кадрлар тайёрлаш ва давлат ва хусусий структуралар персоналини ва раҳбарларини, ДХШ бозори иштирокчиларини ўқитиш ва малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш** | 1. Ўқитиш ва малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш.<br>2. ДХШ бозори иштирокчиларининг турли хил гуруҳларини ўқитиш.<br>3. Ўзбекистон ОТМларида ДХШни ўқитиш дастурларини тарқатиш ва жорий этиш. | Тайёрланган юқори малакали мутахассислар |

# 5.2. ДХШ доирасида лойиҳани амалга ошириш жараёни

- Лойиҳани амалга ошириш боришида, яъни унинг ҳаёт циклида ДХШни қуйидаги тўртта босқичга ажратиш мумкин:

1.

**Мақсадга мувофиқликни баҳолашнинг бошланғич босқичи**

Бу давр давомида давлат органи айнан қайси масалани – тўғридан тўғри давлат харидлари ёки ДХШ воситасида билвосита харидлар – ижтимоий муҳим лойиҳани амалга ошириш учун энг мос вариант ҳисобланишини қараб чиқади ва ДХШ асосида лойиҳани амалга оширишга киришиш учун принципиал қарор қабул қилади.

# Харидларни бажариш фазаси.

2.

- буюртмалар қабул қилинади ва танлов ғолиблари танланади;
- махсус лойиҳа компанияси шакллантирилади, унинг номига контрактлар, хизматлар кўрсатишга, ишлар бажаришга ,ҳар хил шартномалар расмийлаштирилади ва улар номидан музокаралар олиб борилади;
- давлат органи томонидан лойиҳа экспертизаси жараёни якунланади;
- инвесторлар акционерлик капиталига сармоя қўяди ва қарзни молиялаштириш учун кредиторлар аниқланади.

3.

**Қурилиш фазаси**. Лойиҳа молиявий ёпилишга етгандан кейин давлат ҳокимияти вакилларининг лойиҳа компанияси билан (улар орқали инвесторлар, кредиторлар ва субпудратчилар билан) ўзаро муносабатларни бошқариш контракти билан боғлиқ. Қурилиш босқичида лойиҳанинг заём маблағлар ва акционерлик капиталига инвестициялар объектни қад кўтариш учун сарфланади. Қурилиш объектни фойдаланишга тайёр сифатда, шунингдек Хизматларнинг тайёрлик муддати ёки Хизматларни ишга тушириш муддати сифатида маълум бўлган вақтидан тугалланган ҳисобланади.

3.

**Эксплуатация босқичи.** Объект ДХШ шартномаси талабларига мувофиқ хизматлар тақдим этиш учун фойдаланиш давомидаги давр пул оқимларини келтириб чиқаради, яъни кредиторларга тўлаш учун қарзни қоплашга хизмат кўрсатиш бўйича, инвесторларга капитални қайтариш учун тушум йиғади. Давлат органи контракни бошқаришга жавобгарликни зиммасига олишни давом эттиради.

## 5.3. Харидларни ва тендерни ташкил этиш масалалари

- Харидлар процедурасини катта аҳамиятга эга эмас техник ҳолат деб ҳисоблаш мумкин бўлар эди, лекин аслида бу процедура – ДХШ жараёни асосидир. ДХШдан фойдаланиш фойдасига асосий аргумент улар давлат томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар билан таққослаганда харажатлар борасида анча тежамли бўлиши мумкин. Аммо харидларни самарасиз ташкил этиш жараёни енгилгина барча потенциал тежамкорликни осонлик билан ютиб юбориши мумкин. Фақат етарлича рақобатнинг мавжудлиги - яъни тендер ва харидларни самарали ташкил этиш жараёни – давлат учун баҳо ва сифатнинг мақбул нисбатини таъминлаш имконига эга.
- Давлат харидларини рақобатли ўтказиш кўпчилик мамлакатларда юридик бириктирилган талаб ҳисобланади, у ерда давлат хизматлар тақдим этади (концессия воситасида) ёки давлат билан контракт ўрин эгаллайди. Молиялаштириш ёки кафолат Европа инвесттиция банки каби кўптомонли банклар томонидан тақдим этилган ҳолатда мазкур талаб адолатли бўлади

# Жаҳон савдо ташкилоти давлат харидлари тўғрисидаги битимлари (ДХБ) 3 турдаги Давлат харидларини амалга оширишга имкон беради:

“**Очиқ**” процедурада тендер танловида ҳамма чекловларсиз иштирок этиши мумкин

“**Сайлов**” процедураси давлат органига савдо иштирокчилар сонини малакаолди процедураси воситасида қисқартиришга имкон беради.

“**Чекланган**” процедуралар шароитида давлат органи потенциал иштирокчиларга савдо ўтказмасдан (бунда малака олди процедураси ёхуд ўтказилади ёхуд ўтказилмайди) тўғридан тўғри мурожаат қилади.

# Accounting Standards

- The Interpretations Committee (IFRIC) of the International Accounting Standards Board is developing financial accounting standards for PPPs.

# Accounting Standards (2)

- The complexity of PPPs and the dependence of national accountants on government financial accounting data makes it highly desirable to have a common treatment of PPPs in the SNA and in the accounting standards.

# Accounting Standards (3)

- IFRIC has not reached a decision about either major PPP problem.

- The disagreement is sufficiently sharp that the project may be referred to the parent International Accounting Standards Board.

# Public Private Partnerships

Statistical offices may not have the resources to evaluate each PPP.

Recognize dependence on financial accountants, but be sure SNA principles are followed.

# Public Private Partnerships

5. Evaluate IASB/IFRIC standards for consistency with SNA principles.

# Public Private Partnerships

6. Detailed rules for the transactions resulting from a PPP are not possible.

   Consider all of the facts and circumstances.

   Use a treatment that brings out the underlying economic relationships.

# PPP questions for the AEG

- Should PPPs be in the updated SNA?
- Is the list of criteria to help decide economic ownership OK? Should we include them?
- Given the continuing debate in accounting, is it OK to keep the description general?